

Тафаккур оламига сайр қилайлик!



17:00 / 28.07.2022 3523

Подшоҳлардан бири иккита ажойиб бургутни ҳадя сифатида қабул қилиб олди. У бургутлар подшоҳнинг ҳаёти давомида кўрган энг чиройли қушлар эди. Подшоҳ ушбу бургутларни ҳайвон ўргатувчи мутахассисга топширди. Орадан бир неча ой ўтгач, мутахассис подшоҳ ҳузурига келиб, бургутлардан бири самода ажойиб тарзда парвоз қилаётганини, шериги эса умуман учмай шохни тарк этмай ўтирганини маълум қилди. Подшоҳ мамлакатдаги кўплаб табибларни бир жойга йиғиб, бургутни учиришга ёрдам беришларини сўради. Табиблар ҳар қанча уринишса ҳам бургутни учиришга муваффақ бўлиша олмади. Бургутнинг парвоз қилишига бўлган барча саъй-ҳаракатлар иш бермагач, подшоҳнинг ҳаёлига бир фикр келиб қолди. «Эҳтимол, бирор бир четроқ ҳудудга бориб, у ерда яшайдиган кишидан ёрдам сўрашим, муаммони чуқурроқ тушунтиришим керакдир», деб ўйлади ва қишлоқда яшайдиган деҳқонлардан бирортасини олиб

келишни буюрди. Шундан кейин бир деҳқон келиб, учмаётган бургут билан шуғулланишга киришиб кетди. Эртаси куни эрталаб, қасрнинг боғи узра парвоз қилаётган ҳалиги бургутни подшоҳ кўриб хурсанд бўлди. Аскарларига ўша деҳқонни ҳузурига олиб келишларини буюрди. Чунки у бошқалар эплей олмаган ишни амалга оширган эди. Деҳқон подшоҳнинг ҳузурига киргач, подшоҳ ундан: «Бургутни учиришга қандай эришдинг?», деб сўради.

Деҳқон: «Жуда осон. Мен бургут қўниб ўтирган шохни кесиб ташладим. Шунда бургут ўзининг қувватига таянишга мажбур бўлиб, вазиятга мослашишига йўл ахтарди. Натижада у парвоз қила бошлади», деди.

Хулоса

Биз ҳам бургутга ўхшаб, илм, маърифат, ахлоқ, тафаккур соҳаларида парвоз қилишимиз учун ўзимизни яхшилик сари ундашимиз, муваффақият сабабларини амалга оширишга уриниб кўришимиз керак.

Манба: «Ҳар куни сизни қизиқтирадиган маълумот»

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Хуршид Маъруф тайёрлади